

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАДРАХИМОВ ШАВКАТ ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

УМУМЛАШГАН БАҲОЛАРНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ АСОСИДА
ЯШИРИН ҚОНУНИЯТЛАРНИ АНИҚЛАШ ТИЗИМЛАРИ

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Мадрахимов Шавкат Файзуллаевич

Умумлашган баҳоларни ҳисоблаш усуллари асосида яширин қонуниятларни аниқлаш тизимлари..... 3

Мадрахимов Шавкат Файзуллаевич

Системы обнаружения скрытых закономерностей на базе методов вычисления обобщенных оценок..... 25

Madrakhimov Shavkat Fayzullayivich

Systems for detecting hidden regularities on the basis of methods for calculating generalized estimates..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАДРАХИМОВ ШАВКАТ ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ

УМУМЛАШГАН БАҲОЛАРНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ АСОСИДА
ЯШИРИН ҚОНУНИЯТЛАРНИ АНИҚЛАШ ТИЗИМЛАРИ

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/T27 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилди.

Илмий маслаҳатчи: **Игнатъев Николай Александрович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Шарипбай Алтинбек Амирули**
техника фанлари доктори, профессор

Гулямов Шухрат Маннопович
техника фанлари доктори, профессор

Маматов Нарзилло Солиджонович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Қозоғистон Миллий университети**

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Г.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 108. Тел.: (+99871) 238-64-43; факс: (+99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100202, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 108. Тел.: (+99871) 238-64-43.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Х.Ҳамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф. М. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Ш.Ҳ.Фозилов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги бир марталик илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда компьютер технологияларини жадал суратларда ривожланиши ва уларни инсон фаолиятининг турли соҳаларида қўлланилиши билан боғлиқ ҳолда берилганларга сифатли (интеллектуал) ишлов беришга эҳтиёж кузатилмоқда. Жамиятнинг инновацион ривожланишидаги асосий омил – бу билимдир. Мавжуд билимларни ўзлаштириш билан бир қаторда, янги қонунлар ва қонуниятларни очиш ҳисобига улар ҳажмларини тўлдириш долзарб масалалардан биридир. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари, шу жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Россия Федерацияси, Япония, Хитой, Жанубий Корея ҳамда Amazon, Alibaba, Google, Yandex, Microsoft ва SAN каби халқаро компанияларда прогноз қилиш, регрессия ва классификация масалаларини ечишга йўналтирилган сунъий интеллект тизимларини яратиш доирасида берилганларга интеллектуал ишлов бериш усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича фаол илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда берилганларни интеллектуал таҳлил қилиш усуллари асосида аналитик тавсифига эга бўлмаган ва фақат тажриба берилганларининг тўплами билан қаноатланадиган катта кўламдаги амалий масалалар ечишга йўналтирилган интеллектуал тизимларни яратиш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, берилганларнинг ўтказиб юборилган (тўлдирилмаган) қийматларини тиклаш, танланманинг «шовқин» объектларини аниқлаш ва ўчириш, берилганлар базасидаги яширин қонуниятларни аниқлаш, берилганларга дастлабки ишлов бериш, информатив аломатларни аниқлаш, объектлар тавсифидаги янги аломатлар фазосига ўтиш, объектларнинг жойлашув тузилмасини визуаллаштириш, қатъиймас мантик аппаратида фойдаланган ҳолда интеллектуал интерфейсларни яратиш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим тадқиқот мавзулари сифатида қаралади.

Республикада ахборот технологияларини ижтимоий ва ишлаб-чиқариш соҳаларига кенг қамровли тадбиқ қилиш кузатилмоқда, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш учун ижтимоий ва ишлаб чиқариш соҳаларида ахборот технологияларини кенг жорий этиш тадбирлари, электрон ҳукумат дастурлари ишлаб чиқилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... иқтисодиёт, ижтимоий соҳага, бошқариш тизимига инфор­мацион-коммуникацион технологияларни жорий этиш, ... муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, интеллектуал ахборот тизимлари учун янги билимлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

манбаи бўлиб хизмат қилувчи, берилганлар базасидан яширин қонуниятларни ажратиб олиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонуни (2015), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон «Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги» ва 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари, 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги», 2014 йил 3 апрелдаги ПҚ-2158-сон «Иқтисодиётнинг реал секторида ахборот коммуникация технологияларини янада жорий қилиш тўғрисида» Қарорлари ҳамда ахборот технологиялари соҳасига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Берилганларни интеллектуал таҳлил қилиш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотларда янги усулларни яратиш ва асослаш билан бирга мавжудларини предмет соҳаларнинг математик моделлари доирасида амалий қўллаш бўйича кенг қамровли ишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан, Европа, Америка ва Осиё мамлакатларининг Халқаро сунъий интеллект ассоциациялари, Россия Сунъий интеллект илмий-тадқиқот институти, Москва давлат университети, Томск давлат университети, Санкт-Петербург информатика ва автоматлаштириш институти (Россия Федерацияси), NYU Center for Data Science, National Center for Data Mining of the University of Illinois at Chicago, University of California, Department of Electrical and Computer Engineering University of Texas (АҚШ), Darmstadt University of Applied Sciences (Германия), University of Lions (АҚШ, Канада), Centre for Data Mining and Database Technology (Ҳиндистон), Data mining and Big data institute (Исроил) ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

² Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи www.braude.ac.il, sonatech.ac.in, www.msu.ru, cds.nyu.edu, www.ncdm.uic.edu, www.ece.utexas.edu, www.h-da.de/, www.ifmo.ru, www.universite-paris-saclay.fr, www.en.uni.lu, medicine.utah.edu, www.icyb.kiev.ua, www.titech.ac.jp, www.keele.ac.uk, www.cam.ac.uk, www.ox.ac.uk, www.conf.ling.cornell.edu, www.compling.stonybrook.edu, gtnlp.wordpress.com, ling.uni-konstanz.de, www.biominingu.org, mi.eng.cam.ac.uk/mi/Main/Speech ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Интеллектуал таҳлил усуллари асосида берилганлар базасидан яширинган қонуниятларни аниқлаш усуллари ва алгоритмларини яратиш ҳамда машинали ўргатиш, образларни англаш ва тавсифлаш тизимларини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: диабетик касалликларни ташҳис қилиш масалаларига «чуқур ўргатиш» усули яратилган (Université Paris-Saclay, Франция); табиий тилдаги матнларга ишлов бериш масаласини ечиш учун text mining усуллари ишлаб чиқилган (Speech Research Group, Буюк Британия, University of Luxembourg, Люксембург, Bharathiar Universiteti, Ҳиндистон, University of Oxford, Буюк Британия, Cornell Computational Linguistics Lab, Stony Brook University, АҚШ, Konstanz universiteti, Германия, Georgia Tech Computational Linguistics Lab, Грузия, АБҲҲ, Россия Федерацияси); машинали ўргатиш тизимлари учун тажрибавий валидация усуллари яратилган (Center for Data Science and Public Policy at the University of Chicago, АҚШ); аломатлар фазосини танлаш усуллари ва алгоритмларининг математик асоси ишлаб чиқилган (Бошқарув муаммолари институти, Россия Федерацияси); танланма селекцияси учун «шовқин» объектларини аниқлаш ва ўчириш усуллари ишлаб чиқилган (Томск давлат университети, Россия Федерацияси); берилганларни интеллектуал таҳлил ва машинали ўрганиш усуллари яратилган ва нанозаррачаларнинг биомедицина хоссаларини прогноз қилиш масаласи ечилган (Department of Biomedical Informatics, University of Utah, АҚШ); кўп поғонали бошқарувни амалга оширувчи интеллектуал тизимни қуриш усул ва воситалари яратилган (В.М.Глушков номидаги Кибернетика институти, Украина); матндан маълумотларни топиш масаласини ечишда ҳавола ва ассоциацияларни таҳлил қилиш, визуаллаштириш ва интеллектуал аналитика усуллари ишлаб чиқилган (Tokyo Institute of Technology, Япония); рандомлашган дарахтлар ўрмони асосида алгоритмлар ансамбли аниқланган (Keele university, Буюк Британия); кўп параметрли образларни англаш масалаларини моделлаштириш ва ечиш, ҳамда берилганлар таҳлили учун тадбиқий статистика алгоритмлари яратилган (Cambridge university, Буюк Британия).

Дунёда сунъий интеллектнинг берилганларни интеллектуал таҳлили соҳасидаги усулларни такомиллаштириш ва янгиларини яратиш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: образларни англаш алгоритмларининг умумлаштириш қобилиятини баҳолаш учун мезон ва усулларини яратиш; мантиқий қонуниятларни излашдаги комбинатор мураккабликни камайтириш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш; предмет соҳанинг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда табиий тиллардан машинали таржима қилиш усулларини ишлаб чиқиш.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Берилганларни таҳлил қилиш, хусусан, берилганлар базасидан яширинган билимларни ажратиб олиш, информатив аломатларни аниқлаш ва танланма объектлари баҳоларини ҳисоблаш масалаларининг илмий асослари Ю.И.Журавлев, Н.Г.Загоруйко,

В.А.Дюк, В.П.Гладун, А.С.Потапов, Ф.И.Андон, В.Н.Вапник, А.Ю.Зиновьев, К.В.Воронцов, Г.С.Лбов, В.Г.Царегродцев, П.Флах, Г.Пятецкий-Шапиро, Х.Эдельштайн, А.А.Барсегян, Т.А.Гаврилова, В.Ф.Хорошевский ва бошқа олимлар ишларида баён этилган. Ю.И.Журавлев образларнинг англаш масалаларига алгебраик ёндошувни амалга оширган, В.А.Дюк тадқиқотлари берилганлардаги мантикий қонуниятларни излаш алгоритмларни ишлаб чиқишдаги комбинатор мураккабликни қисқартиришга бағишланган, Ю.А.Зиновьев ва В.Г.Царегродцев ишларида қўйилган масалага сунъий нейрон тўри моделларини қўллаш асослари келтирилган.

Республикамизда образларни англаш ва сунъий интеллект соҳасида илмий тадқиқотларнинг назарий асосларини такомиллаштириш ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишда муваффақиятга эришган бир қатор олимларни кўрсатиш мумкин, жумладан, академик М.М.Камилов, Т.Ф.Бекмуратов, Ф.Т.Адилова, Ш.Ҳ.Фозилов, Д.Т.Мухамадиева, Р.Н.Усманов, Р.Ҳ.Ҳамдамов, А.Х.Нишановлар тадқиқотларида информатив аломатларни саралашнинг аналитик усуллари, баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари, нейро-қатъиймас мантиқ моделлари, танланмага дастлабки ишлов бериш усуллари қаралган.

Берилганлар базасидан ички яширинган қонуниятларни аниқлашда эвристик алгоритмлардан фойдаланилиши сабабли, одатда заиф формаллашувчи предмет соҳалар учун информацион моделларни қуриш қатъий математик асосга эга эмас. Шу сабабли, предмет соҳалардаги жараёнлар ва ҳодисаларни адекват равишда тавсифловчи моделларни шакллантириш мезонлари ва алгоритмларини танлаш услубиятини такомиллаштириш талаб қилинади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлар режасининг Ф-4-64 «Берилганлар интеллектуал таҳлилида умумлашган баҳолар ва объектларнинг индивидуал метрикасини ҳисоблаш усулларини яратиш ва асослаш» (2012-2016), ОТ-Атех-2018-224 «Йўғон ичак яллиғланиши ва колоректал саратонининг ривожланиши, кечиши ва оқибатларини прогноз қилиш, ҳамда этиопатогенез ва таваккалчилик факторларини инобатга олган ҳолда диагностикани амалга ошириш ва даволашнинг ахборот моделини ишлаб чиқиш» (2018-2019) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тажриба берилганлар базаси бўйича яширинган қонуниятларни излаш учун берилганларнинг интеллектуал таҳлили мезонлари ва усулларини яратиш, ҳамда асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миқдорий аломатлар қийматларини, чегараларида ўзаро кесишмайдиган синфлар вакиллари устунлик қиладиган интервалларга бўлиш масаласи ечимининг мавжудлигини асослаш;

умумлашган баҳолар асосида мумкин бўлган объектлар тавсифидаги янги аломатлар фазосини шакллантириш;

турли тоифадаги аломатларнинг кўрсатилган ва аниқланувчи тўплам остилари бўйича объектларни сон ўқиға акслантиришнинг стохастик ва детерминистик усуллари ишлаб чиқиш;

объектларнинг умумлашган баҳолари асосида ўргатувчи танланма селекциясини амалға ошириш;

дарахт атрибутлари сифатида, аниқланувчи объектлар тўплами бўйича ҳисобланган умумлашган баҳолар қийматлари билан ҳисобланувчи латент аломатларни танлаш орқали қарор қилиш дарахтини қуриш;

берилганларнинг интеллектуал таҳлилининг сонли натижалари асосида хулоса қоидаларини шакллантириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида берилганларнинг интеллектуал таҳлил қилиш усуллари асосида турли предмет соҳаларнинг берилганлар базасидан яширин қонуниятларни изловчи информаион моделлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети умумлашган баҳоларни ҳисоблашға асосланган берилганларнинг интеллектуал таҳлили усулларида иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишдаги назарий тадқиқотлар берилганларнинг интеллектуал таҳлили назарияси ва алгоритмлари, берилганларға ишлов бериш ҳамда қатъиймас мантиқ усуллариға таянилган, ҳисоблаш экспериментини ўтказиш учун берилганлар базасидан яширин қонуниятларни ажратиб олишға асосланган компьютер воситасида моделлаштиришдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мумкин бўлган объектларни тавсифловчи миқдорий аломатларнинг иккита синфдан бирининг вакиллари устунлик қиладиган интервалларға бўлишнинг турғунлигини баҳолаш усули (формуласи) ишлаб чиқилган;

умумлашган баҳолар асосида бошланғич аломатлар боғлиқмаслиги инобатға олинган ҳолда аниқланувчи объектлар тўплам остиси бўйича ҳисобланган латент аломатларни қарор қилиш дарахти тугунларининг атрибути сифатида танлаш усули ишлаб чиқилган.

латент аломатлар бўйича янги аломатлар фазосини шакллантириш алгоритми ишлаб чиқилган;

танланмаларни селекция қилиш учун умумлашган баҳолардан фойдаланиш асосида шовқин объектларни ажратиб олиш мезони аниқланган;

интервал усуллари асосида экспертлар томонидан кўрсатилган ёки аниқланган аломатлар тўплам остиси бўйича қарор қабул қилиш жараёнини қатъиймас мантиқ терминларида изоҳлаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

танланма объектларининг ўз синфида турғунлигини ҳисоблаш асосида танланма сифатини (компактлик гипотезасининг ростлик даражасини) аниқлаш усули яратилган;

танланма объектларини тавсифловчи миқдорий аломатлар қийматларини интервалларға бўлиш орқали объектларнинг синфларға тегишлилик даражасини аниқлаб берувчи қатъиймас мантиқ қоидаларини шакллантириш усуллари яратилган;

умумлашган баҳолар асосида қарор қилиш дарахтини қуриш алгоритми ишлаб чиқилган;

стохастик ва детерминистик усулларда ҳисобланган умумлашган баҳолар (латент аломатлар) асосида танланма объектларининг тузилмавий жойлашувини визуаллаштиришдан фойдаланган ҳолда классификация масаласини ечиш технологияси ишлаб чиқилган;

объектларни тавсифловчи бошланғич аломатлар тўпламини иерархик агломератив гуруҳлаш алгоритми асосида қисқартирилган, янги аломатлар фазосига ўтиш орқали «ўлчамлар ланъати» муаммосини ечиш усули таклиф қилинган;

предмет соҳаларнинг инфор­мацион моделларини қуриш учун берилганларнинг интеллектуал таҳлили алгоритмларини танлаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги предмет соҳалар танланмаларида, ҳамда Internet глобал тармоғининг махсус сайтларида жойлаштирилган репозиторийлардан олинган берилганлар базаларида ўтказилган ҳисоблаш тажрибалари, синфлар объектлари ўртасидаги муносабатлар тузилмасини таҳлил қилишдаги компактлик гипотезасининг ростлик даражасини ҳисоблайдиган объектлар турғунлиги мезонларидан фойдаланиш, яширинган қонуниятларни ажратиб олиш учун усуллар кетма-кетлигини танлаш технологияларини қўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумлашган баҳолардан фойдаланган ҳолда берилганлар базаси ва сақлагичларидан янги билимларни ажратиб олиш усуллари ва технологияларини яратиш орқали берилганларни интеллектуал таҳлили назариясини ривожлантиришга хизмат қилади. Ишлаб чиқилган усул ва алгоритмлар образларни англаш, ижтимоий ва техника соҳасидаги ташхис тизимларини яратишда, технологик жараёнлар, саноат объектларини бошқариш каби техник ва саноат иловаларини яратишда кенг қўламда қўлланиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, ишлаб чиқилган алгоритмлар ва дастурий таъминотни турли заиф формаллашган предмет соҳалар – тиббиёт, фармакология, социология масалаларини ечишда ҳамда таълим жараёнига қўлланиши билан изоҳланади. Умумлашган баҳоларни ҳисоблаш усулларини қўллаш объект, ҳодиса ва жараёнлар бўйича яширинган қонуниятларни аниқлашга сарфланадиган ресурсларни қисқартириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумлашган баҳоларни ҳисоблаш усулларига асосланган берилганлар базасидан яширинган қонуниятларни ажратиб олиш усуллари ва алгоритмлари амалга оширилган дастурий таъминоти бўйича олинган натижалар:

микдорий аломатлар қийматларини интервалларга бўлиш ва умумлашган баҳоларни ҳисоблаш усуллари, умумлашган баҳолар асосида шовқин объектларни ажратиб олиш мезонлари, ҳамда экспертлар томонидан

кўрсатилган ёки аниқланган аломатлар тўпلام остиси бўйича қарор қабул қилиш жараёнини қатъиймас мантқиқ терминларида изоҳлаш услубияти «Ўзбекинвест» компаниясига жорий қилинган («Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг 2018 йил 8 июндаги 132-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари суғуртага олинадиган таваккалчиликни баҳолаш, қайтадан суғурталашга бериладиган таваккалчилик қисмини кейинги баҳоси ва суғурта тарифлари ўлчамини аниқлаш ҳамда жисмоний ва юридик шахслар билан суғурта шартномасини тузишдаги санаб ўтилган ҳолатларни рўй беришини прогноз қилишда ишлатилган берилганларга ишлов бериш вақтини 15%га камайтириш имконини берган;

бошланғич аломатларнинг иерархик агрегатив гуруҳлаш қоидаси ва умумлашган баҳолаш асосида шовқин объектларни ажратиш усуллари Тошкент давлат стоматология институтига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 2 октябрдаги 8н-4.323-сон маълумотномаси). Натижада клиник берилганлар базасига ишлов беришда аниқланган ички қонуниятлар асосида экспертлар таҳлилидан ечимга олиб келмайдиган йўллари қирқиб ташлаш орқали қарор қабул қилиш жараёнини 10-15%га қисқартириш имконини берган;

мумкин бўлган объектларни тавсифловчи миқдорий аломатларнинг иккита синфдан бирининг вакиллари устунлик қиладиган интервалларга бўлишнинг турғунлигини баҳолаш усули Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши кураш қўмитасига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши кураш қўмитасининг 2019 йил 25 октябрдаги 1443/04-22-сон маълумотномаси). Натижада ўтказилган биржа битимлари базасидан аниқланган ички қонуниятлар экспертлар томонидан қарор қабул қилиш жараёнини 10-15%га қисқаришига олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 13 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 16 илмий мақолалар, 10 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг 2 та ихтиро учун патент ва 2 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 171 саҳифадан ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети белгилаб берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқларининг рўйхати, ишнинг апробация натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Берилганларни интеллектуал таҳлиliga асосланган инфор­мацион моделлар»** деб номланган биринчи бобда заиф формаллашган предмет соҳалар масалаларини ечишга мўлжалланган билимларга асосланган инфор­мацион моделларида, берилганлар базалари ва сақлагичларидан маълумотлар, билим кўринишидаги эксперт маълумотлари, жараёнлар ва ҳодисаларни математик белгилашлар терминларида ёзиш талаб қилиниши таъкидланади. Ушбу модел доирасида билим манбаи ҳисобланган яширинган қонуниятларни излаш амалга оширилади. Эксперт қарорларни қабул қилиш учун баҳолаш усуллари тавсифланган. Умумлашган баҳо­лар ошкор равишда ўлчанмайдиган латент аломатлар ҳисобланади ва объектлар тавсифидаги янги аломатлар фазосини танлашда фойдаланилади. Тавсифланишида латент аломатлар ишлатилган объектлар учун мумкин бўлган объект тушунчасининг ўринсизлиги исбот қилинган. Латент аломатлар қийматлари сифатида кўрсатилган ёки аниқланувчи аломатлар тўплам ости бўйича объектлар тавсифини сон ўқи­га аксланишидаги қийматларни олиш тавсия қилинади. Акслантиришнинг чизиқли ва чизиқли бўлмаган усулларини танлашга боғлиқ равишда латент аломатлар фазосидаги синфлар объектлари ўртасидаги муносабатлар тузилмаларининг ҳам ўзгариб туриши кўрсатилган. Чизиқли ва чизиқсиз усуллар билан ҳисобланадиган умумлашган баҳо­лар билан баҳо­ларни ҳисоблаш алгоритмлар моделлари ўртасида қиёсий таҳлили ўтказилган. Ҳисоблаш натижаларини изоҳлаш мақсадида билимларни вербаллаштириш учун тегишлилик функцияси қийматларини ва умумлашган баҳо­ларни лингвистик ўзгарувчиларга бириктириш технологияси таклиф қилинади.

Диссертациянинг **«Берилганларни таҳлил қилишнинг интервал усуллари»** деб номланган иккинчи бобда мантиқий қонуниятлар тақдим этиш шакллари ва уларни аниқлаш усуллари тавсифлари келтирилади. Берилганлар базасида қонуниятларни излаш учун миқдорий аломатлар қийматларини интервалларга бўлишдан фойдаланиш таклиф қилинган.

Образларни англашнинг стандарт қўйилган масаласи қаралади. Объектлар тўплами $E_0 = \{S_1, \dots, S_m\}$ берилган бўлиб, улар ўзаро кесишмайдиган $K_1, \dots, K_l, l > 1$ синфларга бўлинган. Объектлар n та турли тоифадаги $X(x_1, \dots, x_n)$ аломатлар билан тавсифланган бўлиб, уларнинг ξ таси интервал, $n - \xi$ таси номинал шкалаларда ўлчанади. Турли тоифадаги

аломатлар тўплам остисидан миқдорий латент аломатларни шакллантиришга имкон берувчи алмаштиришлар мавжуд деб ҳисобланади.

Миқдорий аломатлар қийматларини ўзаро кесишмайдиган интервалларга бўлишнинг иккита шарти берилган:

1. Интерваллар сони синфлар сонига тенг;
2. Интерваллар сони синфлар сонидан катта ёки тенг.

Биринчи ва иккинчи шартлар бўйича интерваллар чегараларининг қийматларини ҳисоблаш талаб қилинади.

Айтайлик, $u_1^1, u_1^2 (u_2^1, u_2^2)$ – мос равишда $[c_0, c_1]$ ва $(c_1, c_2]$ интерваллардаги $K_i, i=1,2$ синф вакилларининг x_j аломат бўйича қийматларининг миқдори, $p - E_0$ объектларининг x_j аломат бўйича қийматларининг камаймайдиган кўринишда тартибланган

$$r_{j_1}, \dots, r_{j_p}, \dots, r_{j_m} \quad (1)$$

кетма-кетлигидаги $c_0 = r_{j_1}, c_1 = r_{j_p}, c_2 = r_{j_m}$ кўринишидаги интерваллар чегараларини аниқловчи элементнинг тартиб номери.

Қуйидаги

$$\left(\frac{\sum_{p=1}^2 \sum_{i=1}^2 u_i^p (u_i^p - 1)}{\sum_{t=1}^2 |K_t| (|K_t| - 1)} \right) \left(\frac{\sum_{p=1}^2 u_1^p (|K_2| - u_2^p) + u_2^p (|K_1| - u_1^p)}{2|K_1||K_2|} \right) \rightarrow \max_{c_0 < c_1 < c_2} \quad (2)$$

мезон, $[c_0, c_1], (c_1, c_2]$ интерваллар оралиғидаги чегаранинг оптимал қийматини ҳисоблаш ва миқдорий аломатнинг номинал шкала ўлчамидаги градацияларини аниқлашда қўллаш имкониятини беради. Мезоннинг чап қавс ичидаги ифода синф ичидаги ўхшашликни, ўнг қавсдагиси – синфлар ўртасидаги фарқланишни билдиради.

Иккинчи шарт учун (1) бўйича

$$\left| \frac{d_t^i(u, v)}{|K_t|} - \frac{d_{3-t}^i(u, v)}{|K_{3-t}|} \right| \rightarrow \max \quad (3)$$

мезон асосида шундай кесишмайдиган интерваллар қуриш талаб этиладики, уларнинг чегараларида $K_t, t \in \{1, 2\}$ синф вакиллари қийматларининг миқдори устунлик қилсин. Бу ерда $d_t^i(u, v) - [r_{c_u}, r_{c_v}]^i$ интервалдаги K_t синф вакилларининг миқдори.

Миқдорий c – аломатнинг $[r_{c_u}, r_{c_v}]^i$ интервал бўйича K_1 синфга тегишлилик функцияси қийматини

$$f_{ci} = \frac{\eta_{1i}}{\eta_{1i} + \eta_{2i}} \quad (4)$$

кўринишида аниқлаймиз. Бу ерда $\eta_{ti} = \frac{d_t^i(u, v)}{|K_t|}, t \in \{1, 2\}$.

Барча интерваллар бўйича турғунлик $(0.5,1]$ ораликда ётади ва қуйидаги

$$U(c) = \frac{1}{m} \sum_{\{[r_{c_u}, r_{c_v}]\}} \begin{cases} f_{c_i}(v-u+1), & f_{c_i} > 0.5, \\ (1-f_{c_i})(v-u+1), & f_{c_i} < 0.5, \end{cases} \quad (5)$$


формула билан ҳисобланади.

Аломатлар қийматлари тўпламида (3) бўйича интервалларга бўлиш мумкин бўлмаслик шартлари аниқланган.

Фараз қилайлик E_0 ўргатувчи танланмада $|K_1| = \alpha|K_2|$, $\alpha = \frac{c}{d}$, $c, d \in \{1, 2, \dots\}$ тенглик бажарилсин. E_0 танланма объектларининг тавсифланишида шундай миқдорий аломат мумжуд бўлиб, у p та турли қийматлар билан берилган бўлсин $p(2 \leq p \leq m)$. Аломатнинг K_1 ва K_2 синфдаги бир хил қийматлар сонларини мос равишда a_1, \dots, a_p ва b_1, \dots, b_p

орқали белгилайлик. Агар $\frac{a_1}{b_1} = \frac{a_2}{b_2} = \dots = \frac{a_p}{b_p} = \alpha$ шарт бажарилса, у ҳолда мумкин

бўлган интерваллар сони 2 дан p гача ва ихтиёрий интерваллар бўйича объектнинг K_1 ёки K_2 синфларга тегишлилик функциясининг қиймати 0.5 тенг бўлади, яъни интервалда бирорта синф вакилларининг устунлигига эришиб бўлмайди. 1-расмда аломат қийматларининг биринчи ва иккинчи шарт бўйича интервалларга бўлиниши тест мисолида кўрсатилган.



1-расм. Тест мисол.

Аломат қийматларини $[1,5]$, $(5,20]$ интервалларга бўлишдаги (1) мезон оптимал қиймати 0.3611 тенг бўлиб, аломат бўйича синфлар объектларининг бўлиниши (компактлиги) нисбатан ёмон эканлигини кўрсатади. Бунга қарама-қарши равишда (3) мезоннинг ҳар бир интервал бўйича қиймати 1 тенг бўлган 3 та интервалга бўлиниши аломат қийматлари бўйича яхши шартланган кластерлар борлигини намоён этади.

Диссертациянинг «Умумлашган баҳоларни ҳисоблаш усуллари» деб номланган учинчи бобида объектлар ўртасидаги муносабатларни сон ўқиға акслантириш учун умумлашган баҳоларни ҳисоблаш усуллари қаралади. Объектларнинг умумлашган баҳоларининг қийматлари икки синфли англаш масаласи доирасида ҳисобланади. Синф объектлари қуйидаги оппозициялар шаклида тақдим этилади – “*бемор-деярли соғ*”, “*меҳнатсевар-дангаса*”, “*бой-камбагал*”, “*аълочи-қарздор*”, “*қўли очиқ-зиқна*” ва ш.к. Умумлашган баҳоларни ҳисоблашнинг иккита усули таклиф этилган: стохастик ва детерминистик.

Стохастик усулда $S_a \in E_0, S_a = (x_{a1}, \dots, x_{an})$ объектнинг умумлашган баҳоси

$$R(S_a) = \sum_{i \in I} w_i t_i (x_i - c_1^i) / (c_2^i - c_0^i) + \sum_{i \in I} \mu_i(x_{ai})$$

кўринишида ҳисобланади. Бу ерда $[c_0^i, c_1^i][c_1^i, c_2^i], w_i$ қийматлари (2) бўйича аниқланади, $T = (t_1, \dots, t_n)$ векторнинг $t_i \in \{-1, 1\}$ қийматлари эса

$$\min_{S_p \in K_1} R(S_p) - \max_{S_p \in K_2} R(S_p) \rightarrow \max$$

шарти билан ҳисобланади.

Номинал $r \in J$ аломат градациялари сонини p орқали, K_d синф объектлари тавсифидаги r -аломатнинг t -градациясининг ($1 \leq t \leq p$) қийматлари миқдорини g_{dr}^t орқали, K_d синфдаги r -аломат градациялари миқдорини l_{dr} орқали белгилайлик. K_1 ва K_2 синфлар ўртасидаги r -аломат бўйича фарқланиш

$$\lambda_r = 1 - \frac{\sum_{t=1}^p g_{1r}^t g_{2r}^t}{|K_1| |K_2|}. \quad (6)$$

катталиқ сифатида аниқланади.

Номинал r -аломатнинг K_1 ва K_2 синфлар бўйича бир жинслик даражаси (синф ичидаги ўхшашлик ўлчови) β_r қуйидаги формулалар билан ҳисобланади

$$D_{dr} = \begin{cases} (|K_d| - l_{dr} + 1)(|K_d| - l_{dr}), & p > 2, \\ |K_d|(|K_d| - 1), & p \leq 2; \end{cases}$$

$$\beta_r = \begin{cases} \frac{\sum_{t=1}^p g_{1r}^t (g_{1r}^t - 1) + g_{2r}^t (g_{2r}^t - 1)}{D_{1r} + D_{2r}}, & D_{1r} + D_{2r} > 0, \\ 0, & D_{1r} + D_{2r} = 0. \end{cases} \quad (7)$$

Юқорида келтирилган (6) ва (7) ёрдамида номинал $r \in J$ аломат вази

$$v_r = \lambda_r \beta_r \quad (8)$$

кўринишида ҳисобланади.

Кўришиб турибдики, номинал аломатнинг p та градацияларини идентификация қилувчи сонлар тўпламини $\{1, \dots, p\}$ тўпламига акслантириш мумкин. Шундай акслантиришни ҳисобга олган ҳолда $S = (x_1, \dots, x_n)$ объект учун $x_i = j, i \in J, j \in \{1, \dots, p\}$ аломатнинг умумлашган баҳога қўшган ҳиссаси

$$\mu_i(j) = v_i \left(\frac{\alpha_{ij}^1}{|K_1|} - \frac{\alpha_{ij}^2}{|K_2|} \right), \quad (9)$$

катталиқ билан аниқланади. Бу ерда $\alpha_{ij}^1, \alpha_{ij}^2$ – мос равишда K_1 ва K_2 синфлардаги i -аломатнинг j -градацияси қийматларининг сони, v_i – i -аломатнинг (8) бўйича аниқланадиган вазни.

Детерминистик усулда $S \in E_0 \cap K_d$, $S = (b_1, \dots, b_n)$ объектнинг умумлашган баҳоси

$$R(S) = \frac{1}{|K_{3-d}|} \sum_{S_j \in K_{3-d}} \left(\sum_{c \in I} \left\{ \begin{array}{l} f_{ci}, b_c \in [r_{cu}, r_{cv}]^i \text{ ва } x_{jc} \notin [r_{cu}, r_{cv}]^i, \\ \frac{f_{ci} |b_c - x_{jc}|}{|r_{cu} - r_{cv}|}, r_{cu} \neq r_{cv} \\ 0, \quad r_{cu} = r_{cv} \end{array} \right\}, b_c, x_{jc} \in [r_{cu}, r_{cv}]^i + \sum_{c \in J} \left\{ \begin{array}{l} f_{ci}, b_c \neq x_{jc}, \\ 0, b_c = x_{jc}, \end{array} \right\} \right) \quad (10)$$

формула билан ҳисобланади. Бу ерда ҳар бир номинал $c \in J$ аломатнинг τ_c градациялари $\{1, 2, \dots, \tau_c\}$ тўпламга тегишли, $[r_{cu}, r_{cv}]^i$ – $c (c \in I)$ -аломатнинг i -устунлик интервали, f_{ci} – c -аломатнинг (4) бўйича ҳисобланадиган тегишлилик функциясининг қиймати. Агар $c \in J$ бўлса, η_{1i}, η_{2i} қийматлари i -градациянинг мос равишда K_1 ва K_2 синфлардаги қийматлари миқдори деб қаралади.

Умумлашган баҳолар асосида қарор қабул қилиш дараҳтини қуриш усули таклиф этилган бўлиб, унда информатив аломатлар жуфтлиги (латент аломат) бўйича умумлашган баҳо қийматлари лексографик тартибдаги *if-then* қарор қабул қоидалар кетма-кетлиги шаклланишида қўлланиладиган дарахт тугунларидаги классификаторларни шакллантиришда ишлатилади. Ушбу усул тадқиқ қилинаётган предмет соҳа ҳақидаги янги, олдин маълум бўлмаган билимларни ажратиб олишдаги берилганларнинг интеллектуал таҳлил қилиш воситаси сифатида зарурдир.

Диссертациянинг «**Берилганлар базасидан яширинган қонуниятларни аниқлаш**» деб номланган тўртинчи бобида мантиқий қонуниятлар ёрдамида берилганлар базасидан билимларни ажратиб олиш усуллари қаралган. Мантиқий қонуниятлар таҳлили, улар турли тоифадаги аломатлар фазосидаги турғунлиги асосида амалга оширилади.

Синфлар объектларининг турғунлигини ҳисоблаш жараёни миқдорий аломатлар ўлчов масштабларига нисбатан инвариант бўлиши кўрсатилган.

Фармакологик воситаларни экспертиза қилиш мисолида турли тоифадаги аломатлар кўрсатилган ёки аниқланувчи тўплам остилари бўйича ҳисобланган умумлашган баҳоларни қатъиймас мантиқ терминларида изоҳлаш таклиф этилган.

Иккита K_1 ва K_2 врачлар гуруҳларининг, мос равишда аллергологлар ($|K_1| = 23$) ҳамда пульмонолог ва терапевтларнинг ($|K_2| = 68$) дори

воситаларининг кўрсатилган 3 та – χ^1 (Глюкокортикоид воситалар), χ^2 (Бронхолистик воситалар) ва χ^3 (Антибиотиклар) тўплам остилари бўйича бронхиал астма касалини даволаш учун қўллаш бўйича берган хулосалари ўзаро таққосланган. Дориларнинг χ^1, χ^2 ва χ^3 тўплам остилари бўйича (10) формула билан ҳисобланган умумлашган баҳоларнинг (y^1, y^2, y^3 аломатлар) қийматлар тўплами (2) мезон бўйича таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларини изоҳлаш учун лингвистик ўзгарувчининг 6 та қийматларидан фойдаланилди.

1-жадвал.

Аломатларнинг 3 та тўплам остиси бўйича ҳисоблаш эксперименти натижалари

| Аломатлар тўплам остилари | Умумлашган баҳоларнинг (2) бўйича қиймати | Лингвистик ўзгарувчи қиймати |
|---------------------------|---|------------------------------|
| χ^1 | 0.55 | Деярли мос келмайди |
| χ^2 | 0.51 | Деярли мос келмайди |
| χ^3 | 0.36 | Сезиларли мос келади |

Кўйилган масала моҳиятини ифодаловчи « K_1 ва K_2 гуруҳ врачларининг χ^1, χ^2 ва χ^3 тўплам остиларига бўлинган дори воситаларининг бронхиал астма касалини даволашда қўллаш бўйича фикрлари сезиларли даражада мос келади» гипотезасининг ростлигини текшириш натижалари 1-жадвалда келтирилган. Кўриниб турибдики, гипотезанинг ростлиги фақат χ^3 тўплам остисида тасдиқланади.

Таклиф қилинган иерархик агломератив қоидалари асосида E_0 объектлари тавсифи бўйича аломатларни ўзаро кесишмайдиган гуруҳларга бўлиш амалга оширилади. Алгоритм қоидалари бўйича талаб қилинади:

– E_0 объектлари турғунлиги қийматлари бўйича турли тоифадаги аломатларнинг ўзаро кесишмайдиган гуруҳларини шакллантириш;

– ўзаро кесишмайдиган гуруҳлар бўйича информатив аломатлар тўплам остисини аниқлаш.

Объектлар турғунлигини ҳисоблаш учун микдорий аломатлар қийматларини $[0..1]$ ораликқа нормалашда фойдаланилади.

Ўргатувчи E_0 танланманинг $S_a = (x_{a1}, \dots, x_{an})$ ва $S_b = (x_{b1}, \dots, x_{bn})$ объектлари ўртасидаги яқинлик ўлчови Журавлев метрикаси

$$\rho(S_a, S_b) = \sum_{i \in I} |x_{ai} - x_{bi}| + \sum_{i \in J} \begin{cases} 1, & x_{ai} \neq x_{bi}, \\ 0, & x_{ai} = x_{bi} \end{cases} \quad (11)$$

бўйича ҳисобланади.

Аломатларнинг $X(k) \subset X(n), k \leq n$ тўплам остиси учун (11) бўйича ҳосил қилинган $S_{d_0}, S_{d_1}, \dots, S_{d_{m-1}}, S_{d_0} = S_{d_1}$ камаймайдиган кетма-кетликдаги интервалнинг c_2 чегараси (2) ёрдамида аниқланади.

Курилган интервал учун

$$\lambda_1(p) = \left| \left\{ S_{d_i} \in K_p \mid \rho(S_d, S_{d_i}) \in [c_1, c_2] \right\} \right|,$$

$$\lambda_2(p) = \left| \left\{ S_{d_i} \in K_{3-p} \mid \rho(S_d, S_{d_i}) \in [c_1, c_2] \right\} \right|,$$

$$\theta_1(p) = \lambda_1(p) / |K_p| \text{ ва } \theta_2(p) = \lambda_2(p) / |K_{3-p}|$$

аниқланган бўлсин. У ҳолда аломатларнинг $X(k)$ тўплам остиси бўйича $S_d \in K_p, p = 1, 2$ объект турғунлиги

$$U(S_d, X(k)) = \theta_1(p)(1 - \theta_2(p)) \quad (12)$$

кўринишда ҳисобланади.

Қийматлари

$$b_{ij} = \begin{cases} \frac{\sum_{a=1}^m \sum_{b=1}^m \alpha(S_a, S_b) \beta(i, j, S_a, S_b)}{\sum_{p=1}^2 |K_p| (m - |K_p|)}, & i \neq j, \\ 0, & \text{акс холда} \end{cases}$$

формула билан ҳисобланадиган $B = \{b_{ij}\}_1^n$ яқинлик матричасини шакллантирайлик. Бу ерда

$$\beta(i, j, S_a, S_b) = \begin{cases} \rho(S_a, S_b), \{x_i, x_j\} \subset X(n), S_a, S_b \in E_0, \\ 0, & \text{акс холда,} \end{cases}$$

$$\alpha(S_a, S_b) = \begin{cases} 0, & S_a, S_b \in K_i, i = 1, 2, \\ 1, & S_a \in K_i, S_b \in K_{3-i}. \end{cases}$$

Аломатларнинг $X(k)$ тўплам остисидан $X(k+1), 1 \leq k \leq n$, $X(k) \subset X(k+1)$ тўплам остисига ўтишдаги E_0 объектларининг турғунлик баҳоларини ўзгариши

$$M(X(k), X(k+1)) = \frac{1}{m} \sum_{d=1}^m \begin{cases} 1, & U(S_d, X(k)) \leq U(S_d, X(k+1)), \\ 0, & \text{акс холда} \end{cases} \quad (13)$$

кўринишда ҳисобланади.

Агар (13) бўйича $G_p \cup \{x_d\}$ қиймати G_p гуруҳ қийматидан катта бўлса, $x_d \in X(n)$ аломат $G_p = X(k), p < n$ гуруҳ таркибига қўшилади.

Латент аломатлар тўплами бўйича қонуниятларни излаш усули таклиф қилинган. Танланма объектларини тавсифлаш учун латент аломатлар бошланғич аломатлардан арифметик амалларни бажариш орқали ёки

аломатлар тўплам ости бўйича умумлашган баҳолар қийматларини ҳисоблаш билан олиниши мумкин.

Эксперимент жараёнида аниқланган билимларни қатъиймас мантик формализми ва лингвистик ўзгарувчилар ёрдамида S объектнинг $K_l, l \in \{1, 2\}$ синфга тегишлиги ҳақидаги

Агар A у ҳолда B (<ишончлик коэффициентини>)

қатъиймас хулоса қоида кўринишида тавсифлаш мумкин. Бу ерда <ишончлик коэффициентини> – A шарт бажарилганда B хулосага ишончилилик коэффициенти.

Объектлар (пациентлар) сони 73 тадан иборат $E_0 = \{S_j\}_1^{73}$ танланма тадқиқ қилинди. Объектлар 31 та миқдорий аломатлар $X = (x_1, \dots, x_{31})$ билан тавсифланган. Эксперт-врачлар томонидан танланманинг 48 та объекти K_1 синфга – барқарор атеросклеротик бляшкали (АСБ) пациентларга, 25 таси K_2 синфга (бекарор АСБ) ажратилди.

2-жадвал.

Аломатлар интервалларининг (2) мезон бўйича чегаралари

| Аломатлар номи | Интерваллар ва улардаги синфлар вакиллари $[r_{i_1}, r_{i_p}] (r_{i_p}, r_{i_{73}}) \{u_{11}, u_{12}\} \{u_{21}, u_{22}\}$ | (2) мезон қиймати |
|--|---|-------------------|
| <i>Металлопротеиназ тўқима ингибитори 1 (ТИМП-1)</i> | [775.55, 1602.88](1602.88, 3677.22) {42,3} {3,25} | 0.717 |
| <i>Матрицали металлопротеиназ 9 (ММП-9)</i> | [28.1, 274.96](274.96, 1241.2) {42,4} {3,24} | 0.678 |
